

“ТАРИХИ МУҚИМХОНИЙ” АСАРИДА АШТАРХОНИЙЛАР ДАВРИ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Сангирова Д., ГулДУ т.ф.н.

Тарих фанини ўқитишда манбашунослик фани алоҳида аҳамият касб этади. Манбаларни излаб топиш, тавсиф этиш, мавзу учун керакли бўлган маълумотларни илмий муомалага киритиш тарихчиларнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Тарихий даврни ёритишда манбалар алоҳида ўринга эга бўлиб, икки давлат ҳукмдорлари томонидан битилган ёзишмаларига эътиборни қаратмоқчимиз. Бу даврда битилган мактублар давр ташқи сиёсатини ўрганишга асос бўлиб хизмат қилади.

Аштархонийлар даври тарихини ёритувчи муҳим манба “Тарихи Муқимхоний” асари (муаллифи Муҳаммад Юсуф ибн Хожа Бако бўлиб, у ўз даврининг етук кишларидан эди). Муаллиф аштархоний ҳукмдорлардан Субҳонқулихон ва Муҳаммад Муқимхоннинг саройида мунший бўлиб хизмат қилган. Фактик маълумотларга тўлиқ бу асарда аштархоний ҳукмдорларнинг Балхга нисбатан тутган сиёсати кўрсатиб берилган. Шунингдек, асарда аштархоний ҳукмдорларнинг турк султонлари, эрон шоҳлари, бобурийлар ҳукмдорлари билан олиб борган дипломатик муносабатлари ёритилган. Бундай маълумотлар шу даврни ёритувчи бошқа манбаларда учраса ҳам бироқ, “Тарихи Муқимхоний” асарида берилганлиги сингари тўлиқ ва мукамал эмас.

Манбада акс эттирилган давр, йирик ҳукмрон сулолалар ўртасида ҳудудий яхлитлик учун кураш авж олганлиги билан характерланади. Бу даврда Осиёда йирик империя Усмонли турк ва Эрон сафавийлар давлатлари бўлиб, ҳар иккиси ҳам тенг имкониятга эга бўлган рақиблар ҳисобланарди. Марказий Осиёда заифлашиб бораётган Шайбонийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдорлари Хуросонда сафавийларнинг таъсири кучайиб бораётганлигини сезган ҳолда, ташқи сиёсатда ўзига маъқул келадиган иттифоқчини топиши керак эди, шу жиҳатдан сафавийларга тенг келадиган куч бу Усмонли турк давлати эди.

Асарда бошқа давлатлар ташқи сиёсатига боғлиқ муносабатлар ҳам ёритилган бўлиб, хусусан турк султонлари билан олиб борилган сиёсий масалаларга эътибор қаратишни лозим топдик. Асарнинг асарнинг биринчи бобида шайбонийларнинг сўнгги ҳукмдорларидан Бухоро хони Абдулмўминнинг ёзган мактуби нусхаси ҳам келтирилган. Мактубда Бухоро хонларининг турк султонлари билан муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари баён қилинган.

Асарда яна бир мактуб нусхаси келтирилган бўлиб, бу мактуб Туркия султони томонидан аштархоний ҳукмдор Субҳонқулихон номига битилган. Турк султони Аҳмад II (1691-1695 йй.) Бухоро хонлигида мавқеини мустаҳкамлаш учун, ўзининг ишончи вакилларида бири бўлган Мустафа чаушнинг Бухоро пойтахтига юборганлиги ҳақида маълумот берилган. Элчи томонидан арабий отлар, турли хил қимматбаҳо тошлар, турфа хил матолар улуғ ҳукмдор Субҳонқулихонга юборилган. (Эндигина келган турк султони кўшни давлат бўлган Аштархоний ҳукмдорларнинг сиёсатига бефарқ бўлмаган). Турк элчисининг келган вақти Қрим элчиси келган бир вақтга тўғри келган. Қошғар хони Муҳаммад Амин кирғизлар Қошғарда ўз ҳукмронлигини ўрнатганлиги маълум. Муҳаммад Амин Субҳонқулихон номига танга зарб эттириб, хутбага унинг номини кўшиб ўқитган ва ўзаро ёрдам ва қўллаб қувватлашини сўраган. Элчи тез кунда қабул қилинган ва элчига алоҳида эътибор кўрсатилган. Манбада “Ҳеч бир даврда Истамбул, Рум пойтахтидан, Қримдан, Хитойдан элчилар келган эмас эди, буларнинг барчаси олий ҳукмдор Субҳонқулихон даврига келгандагина амалга оширилди”- дейилган.

Султон Аҳмаднинг мактуби нусхаси келтирилган бўлиб мактубда: “Аллоҳ номи билан бахт ва тахт вориси, хотиржамлик ва хавфсизлик гиламини ёйган, эзгу ишлар ижроси Субҳонқулихонга, унинг енгилмас давлати оёғи остида унинг ғанимлари оёқ ости бўлсин. Султон чексиз салом йўллаб, доимий муҳаббатини изҳор этади. Уларнинг

мактуби дўстона мазмунда битилганлигини, қизилбошларга қарши ҳамкорликда ҳаракат қилиши маълум қилинган эди. Бироқ, эронликлар ўзларининг золим режаларини тузиб, қўшинини йиғиб Ауджан (Орхан вилояти, Узджан) вилоятига кирган. Уларга қарши туриш учун ғолибнишон қўшинимиз жангга кирди. Бизнинг кўп сонли қўшинларимизга бас келолмаслигини билгач, писиниб қочдилар. Ўз юртларига қайтиб боргач, бизга ишончли вакилларини юбориб бизга итоаткорлигини ва душманлик ҳаракатларини инкор қилганлигини маълум қилган. Бундан кейин қулоқларига қуллик занжирини тақиб, бизларга бўйсунганини”, самимият билан муносабатда бўлишини билдирган.

Мактуб якунида “Ер куррасининг таникли жойи бўлган Мовороуннахрнинг ҳукмдори (бу ердан кўплаб буюк олимлар, шайхлар етишиб чиққан)га маълум қиламиз. Сиз мамлакатингизнинг ўзбек қўшинларига буюринг, бир тан ва бир жон бўлиб бу ғайридинларга қарши курашиб, Ироқ текислигини тиконлардан ва шоҳ шаббалардан қутқариш керак” дейилган. Шу давр дипломатиясида ягона дин ва тил остида бирлашиб сиёсат олиб борилганлигини кўриш мумкин.

“Тарихи Муқимхоний” асарида берилган маълумотлар Бухоро хонлигининг ташқи сиёсатини акс эттиради. Асар маълумотларининг мукамал берилганлиги асарнинг шу даврни ҳар томонлама ёритувчи манба эканлигини кўрсатади ва тарих фанини ўқитишда, айниқса ўрта асрлар тарихини ўрганишда манбавий асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

- 1.Хожа Самандар Термизи. Дастур ал мулук (Назидание государям) Перевод с персидского, предисловия, примечания и указатели М.А. Салахетдиновой. -М.: Наука, 1971.
- 2.Хожа Самандар Термизий. Дастур ул мулук.Подшоҳлар учун қўлланма. -Т.: Шарқ, 2001.
- 3.Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Ш.Воҳидов, И.Бекжогов, Д.Сангирова. -Т.: Янги аср авлоди, 2009.
- 4.Муҳаммед Юсуф Мунши “Тарихи Муқимхоний” (Тожиқ тилидан таржима, сўз боши, изоҳ ва кўрсаткичлар профессор А.А.Семёновники). -Т.: ЎзССР Фанлар Академияси нашри, -Т.: 1956. 63-69 ҳамда 154-158 бетлар
- 5.Семенов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре// СВ. Т 5. –М.: 1948.
- 6.Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор.Ч.II. -М.: 1972.
- 7.Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
- 8.Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. -Т.: Чўлпон, 2003.
- 9.Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекистана. История. -Т.: Фан, 1998.
10. Низомиддинов И.М. Ўрта Осиёнинг чел эл Шарқи билан муносабатлари. -Т.: Ўздавнашр, -1961.
11. История Узбекистана. Фан, -1993.